



Бўлинганни бўри ер!

Динимиз аҳиллик ва бирдамликка чақиради, фирқаларга бўлиниб, ихтилоф чиқаришдан қайтаради: «**Ҳаммангиз Аллоҳнинг “арқони”ни** (Қуръонини) **маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг ҳамда ўзаро адоватда бўлган пайтларингизда дилларингизни** (туташтириб) **ошно қилиб қўйган Аллоҳнинг неъматини ёдда тутинг. Унинг неъматини туфайли биродарларга айландирингиз**» (Моидда сураси, 103-оят).

«**Аллоҳга ва Расулига итоат қилингиз ва низолашмангиз, акс ҳолда, сушлашиб кетурсиз ва “шамоллингиз”** (обрўйингиз) **кетиб қолур. Сабр қилингиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир**» (Анфол сураси, 46-оят).

Ислом келишидан олдин одамлар турли жоҳилият даъволари билан яшар, арзимаган ишлар сабаб йиллаб урушлар давом этарди. Аллоҳ таоло ато қилган иймон неъматини билан мусулмонлар ўзаро ака-ука, дўст-улфатга айланди. Бугун ҳам мусулмонлар ҳаётида мазкур оятлар сув ва ҳаводек муҳим.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «**Умматим залолат устида жам бўлмайди. Аллоҳнинг “қўли” жамоат устидадир. Ким ажралса, дўзахга ажралади**», деганлар (Имом Термизий ривояти).

«**Аллоҳнинг қўли жамоат устидадир**» дегани «якдил бўлган Ислом уммати Аллоҳ таолонинг ҳимояси ва ёрдами остидадир» маъносини беради. Жамоатдан мурод эса мусулмонларнинг аксарини ташкил қилган аҳли сунна вал жамоадир.

Жамоат намози мўмин-мусулмонлар орасида ижтимоий алоқаларни мустаҳкамловчи воситалардан биридир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қиладилар: «**Жамоат намози ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти баробар фазилатлидир**» (Имом Бухорий ривояти).

«**Ким ҳуфтон намозини жамоат билан ўқиса, туннинг ярмини ибодат билан бедор ўтказгандек савобга эга бўлади. Ким бомдод намозини**

жамоат билан ўқиса, туннинг ҳаммасини намоз ўқиб ўтказгандек бўлади» (Имом Муслим ривояти).

Намоздан кейин жамоат бўлиб дуо қилишда ҳам кўп хайр-барака бор. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: «**Бир жамоат тўпланиб баъзиси дуо қилса, қолганлари “Омин, омин” деб турса, Аллоҳ, албатта, уларнинг дуосини ижобат қилади**» (Имом Табароний ривояти).

Мазҳабимиз уламолари намоздан кейинги зикрлар фарз ва суннат ўртасида эмас, балки намозларнинг охирида бўлиши суннатга мувофиқ дейишади. Ойша розияллоху анҳо айтади: «**Набий соллаллоху алайҳи ва саллам (фарзни ўқиб) салом берганларидан кейин фақат “Аллоҳумма антас салаам ва минкас салаам табаяроқта я залжалали вал икром”, дейдиган миқдорича ўтиради** (сўнг суннатларга турар) **эдилар**» (Имом Муслим ва Имом Термизий ривояти).

Аллома Ибн Обидин раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Ҳадисларда намоздан кейинги зикрларнинг суннатдан аввал қилиниши кераклигига далолат йўқ. Балки суннатдан кейин (намознинг охирида) бўлиши тушунилади. Чунки суннатлар фарзларга қўшилувчи, эргашувчи ва уларни тўлдирувчидир. Суннатлар фарзлардан айро эмас. Шунинг учун суннатдан кейин қилинган зикрлар ҳам фарздан кейинги зикрлар ҳисобланади» («*Раддул муҳтор*»).

Шундай экан, фарз ва суннатларни тугатиб, зикру дуоларни жамоат билан қилиш суннатга мувофиқдир. Зеро, мана шунда жамоат бўлиб ибодат қилишдан кўзланган мақсад тўлиқ юзага чиқади. Акс ҳолда, ҳадисларнинг зоҳирига амал қилман деб, жамоат орасида турли ихтилофларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлиб қоламиз.

Шунингдек, такбири таҳримада қўлларни елка баробар кўтариш ва киндик тепасига боғлаш (эркаклар учун), оёқлар орасини кериб туриш, «Омин»ни жаҳрий айтиш, рукудан

олдин ва кейин «рафъул ядайн» — икки қўлини кўтариб қўйиш ва ташаҳҳудда кўрсаткич бармоғини қимирлатиб туриш қабилар (асрлар оша халқимиз эргашиб келаётган мазҳабимиз) ҳанафийликка хилоф ишлардан саналади.

Ана шундай ихтилофларнинг зарарини уммат бошидан кўп ўтказган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам бунга гувоҳ бўлдик. Шунини деб қанчадан-қанча ишлар орқага кетди, ихтилофларга ўралашиб неча йиллар ривожланишдан тўхтаб қолдик. Афсуски, ҳозир ҳам «хилоф қилсанг, таниласан» деган шайтоний қоидага амал қилади-ганлар топилади. Улар вақти-вақти билан халқ орасида аҳли сунна вал жамоа қарашларига зид фатволарни тарқатиб туришади. Бу ишлар билан яна эски ихтилофларни кўзгайди, натижада яна бўлиниш, заифлашиш давом этади. Бу ҳақда Имом Таҳовий бундай деган: «Суннат ва жамоатга эргашамиз. Ажралиш, хилоф қилиш ва фирқаланишдан тийиламиз. Биз жамоатни ҳақ ва тўғри, фирқаларга бўлинишни эса йўлдан оғиш ва азоб деб биламиз» («*Ақоиди Таҳовия*»).

Демак, ечим икки нарсда экан. Биринчиси, фирқаларга бўлинмай, Аллоҳнинг **арқони** — Қуръони каримни маҳкам ушлаш, унга амал қилиш. Иккинчиси, жамоатни тарқэтмаслик, яъни кўпчилик олимлар танлаган йўлдан чиқиб кетмаслик. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам: «**Жамоат билан, яъни кўпчилик билан бирга бўлинг, бўри ҳам қўйнинг подадан ажралиб қолганини ёйди**», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Аллоҳ таоло барчамизни бўлиниб кетишдан сақласин. Бир-биримиз билан аҳил-иноқ, меҳр-оқибатли, тинч-тотув ҳаёт кечиришимизни муяссар айласин!

✍ **Ҳикматуллоҳ ТОШТЕМИРОВ,**
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази бош мутахассиси

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

✓ 13 октябрь. МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг йиғилишида Самарқанд шаҳрини 2024 йилда «Ҳамдўстликнинг маданий пойтахти» деб эълон этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

✓ 13 октябрь. Исахон Абдуллаев «Вақф» хайрия жамоат фонди раҳбари лавозимига сайланди.

✓ 15 октябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими мудири Шайх Алижон қори Қашқадарё вилояти имом-хатибларига тажвид фанидан маҳорат дарсини ўтди.

✓ 18 октябрь. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Ҳазодаги касалхонага уюштирилган ҳужумни кескин қоралади.

✓ 21 октябрь. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус ислом таълим муассасаларида маънавий ва маърифий тадбирлар ўтказилди.

✓ 23 октябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ва Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Даврон Мақсудов Доғистон Республикаси ҳукумати раиси Абдулмуслим Абдулмуслимов бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

✓ 24 октябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси барча масжидлар имом-хатиблари ва имом ноибларининг билимлари, касб маҳоратлари ҳамда иш натижаларини баҳолашни бошлади. Ушбу синовлардан муваффақиятли ўтган имом-хатиб ва имом ноибларига олий, биринчи ва иккинчи даражали малака тоифалари берилади.

✓ 25 октябрь. «Вақф» хайрия жамоат фонди ахборот хизмати раҳбари Саидаброр Умаров Фонд ташкил топганидан бери 111 миллиард 751 миллион сўмдан зиёд маблағ масжидлар ва зиёратгоҳлар ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида сарфланганини маълум қилди.

✓ Октябрь ойи давомида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус ислом таълим муассасаларида «Мен радикализмга қаршиман» мавзусида педагог-ўқитувчи ва талаба-ёшлар иштирокида давра суҳбатлари ҳамда курслараро кўрик танловлар ташкил этилди.

Эркак ва аёл бир-бирига суянчидирлар

«Унинг аломатларидан (бири) – У сизларни (Одамни) тупроқдан яратгани, сўнгра сизлар башарга айланиб, (ер юзи бўйлаб) тарқалишларингиздир. Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир» (Рум сураси, 20-, 21-оятлар).


Ушбу ояти карима Аллоҳ таоло-нинг азамати ва қудратининг комиллигига далолат қилади. Парвардигори олам отамиз — Одамни яратди. Абу Мусо розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Одам ернинг турли томонларидан олинган бир ҳовуч туپроқдан яралди. Одам болалари ернинг миқдорича келадилар. Улардан оқлари, қоралари, қизиллари ва уларнинг ўртасидагилари бор. Улардан ёмонлари, яхшилари, бахтлилари, бахтсизлари ва уларнинг ўртасидагилари бор”** (Имом Аҳмад ривояти).

“Башарга айланиб, (Ер юзи бўйлаб) тарқалишларингиз” жумласи билан инсонларни турли халқлар қилиб, ернинг турли жойларига тарқалиши учун ҳайвонлар ва кемалар бўйсундириб қўйилгани таъкидланмоқда.

“Ўзларингиздан жуфтлар яратгани...”
Яъни Ҳавво онамиз яратилганига ишора бор. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг чап қовурғасидан Ҳавво онамизни, қолган инсонларни эса эркак ва аёлнинг нутфасидан яратди. Агар Аллоҳ таоло эркакларни бир жинсдан ва аёлларни эса бошқа жинсдан (жин ёки ҳайвондан) яратганида, улар ўртасида ўзаро унс-уфат бўлмай, бир-бирларидан нафратланиб қочишган бўларди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Аёлларга яхши муомала қилинглар. Чунки аёл қовурғадан яратилгандир. Қовурғанинг энг қийшиқ жойи юқорисидир. Уни тўғирлашга уринсангиз, синдириб қўясиз. Агар ташлаб қўйсангиз, қийшиқлигича қолаверади. Бас, аёлларга яхши муомала қилинглар!”** (Имом Бухорий ривояти).

“Таскин топишингиз учун” калимасидан эркаклар қачон қувватлари ва шахватлари ортиб кетса, аёлларидан фойдаланиш орқали сокинлашиши тушунилади. Боиси Аллоҳ таоло ҳар икки жуфтни бир-бирига муҳтож қилиб яратган.

“Уртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилгани”. Ояти каримадаги “мавадда” (иноқлик)ни Ибн Аббос ва Имом Мужоҳидлар жимо, “раҳмат”ни эса фарзанд деб тафсир қилишган. Имом Судий эса “мавадда”ни муҳаббат, “раҳмат”ни шафқат деб тафсир қилган. Ибн Аббосдан нақл қилинган бир ривоятда “мавадда”дан киши ўз жуфтини севиши, раҳматдан эса жуфтига мусибат



етганида унга марҳамат кўрса-
тиши ирода қилинган, дейи-
лади. Ана шу марҳамати ту-
файли эркак ва аёл ўртасида
меҳр-шафқат туйғулари пай-
до бўлган. Буларнинг барча-
сида ақл эгалари учун Аллоҳ
таолонинг қудрати ва буюкли-
ги мужассам.

Дарҳақиқат, инсонни эркак-аёлга ажратиб, жуфт қилиб яратишининг ўзи Аллоҳнинг ягоналиги, баркамол сифатлар соҳиби эканининг далилидир. Зотан, инсоннинг эркак ва аёллик ҳолати улкан мўъжизадир. Аллоҳ таоло инсоннинг ўзидан унга жуфт яратиб беришини **“таскин топишингиз учун”** демоқда. Эркак

фақат аёлдангина сокинлик, осойишталик ва тинчлик топади. Ўз ўрнида аёл ҳам сокинликни фақатгина жуфти ҳалолли бўлган эридан топади. Аллоҳ таолонинг эр ва хотиннинг орасига севги, меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат туйғуларини солгани учун ҳам улар бир-бирларининг баъзи камчилик ва нуқсонларини кўрмайдилар. Бир-бирига суяниб, меҳр улашиб яшайверадилар. Зеро, тафаккур қиладиган қавмлар учун бунда оят-белгилар бордир.

 **Авазбек ЖУМАБОВ,**
“Кўкалдош” ўрта махсус ислом
билим юрти мударриси

Мутолаа

* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

Ибодатларга бепарво ва дангаса бўлиш ҳам қалб касалликларидан саналади. Бундан-да каттароқ муаммо шундаки, одам ўзининг ибодатидаги камчиликларни сезмайди ва уларга аҳамият бермайди. Уларни камчилик сифатида қабул қилмагани сабабли қалб касаллиги янада кучайиб кетади.

Бу касаллик инсоннинг Аллоҳ таолога ибодат ва хайрли амаллар қилишга берган куч-қувватига ношукрлик қилишидан келиб чиқади. Бундай ношукрлик туфайли инсон илоҳий ёрдамдан маҳрум бўлади, руҳий покланишдан узоқлашиб, гуноҳлари ортади, қалби янада кирланади. Вақт ўтиши билан бундай одам ўз камчиликларини сезишни тўхтатади ва ўзининг номақбул ишлари унга чиройли кўрина бошлайди:

НАФС ИЛЛАТЛАРИ. Ибодатга бепарволик қилиш

**«Ахир, (қилган) ёмон иши ўзига
чиroyли кўрсатилиб, уни гўзал
(иш) деб ўйлаган кимса (ҳидо-
ят топган зот каби бўлармиди)?!»
(Фотир сураси, 8-оят).**

«Улар қилган саъй (ҳаракат) лари дунё ҳаётидаёқ йўқ бўлиб кетган-у, аммо ўзларини ишни чиройли қилаётган ҳисоблайдилар» (Каҳф сураси, 104-оят).

«Шундай қилиб, ҳар бир ум-
матга амалини чиройли қилиб
кўрсатиб қўйдик» (Анъом сураси,
108-оят).

«Сўнгра улар ишларини ўз ораларида пора-пора қилиб бўлиб юбордилар. Ҳар фирқа ўз ҳузурларидаги нарса ила хурсанддирлар» (Муъминун сураси, 53-оят).

«Оятларимизни ёлғонга чиқарганларни эса (улар) билмайдиган томондан аста-секин оламиз» (Аъроф сураси, 182-оят).

Муолажа услуги

Бу дардга даво топиш учун Аллоҳ таолодан паноҳ ва ёрдам сўраш, доимо Уни зикр қилиш, Қуръони карим оятлари маъноларини тафаккур этиш ва Аллоҳга яқин солиҳ бандалардан ҳаққи-га дуо қилишларини сўраш лозим. Агар банда буларнинг барчаси-га амал қилса, Аллоҳ уни, албатта, яхши ҳолатга қайтаришига ва сидқидилдан ибодат қилиши учун яна куч-қувват беришига умид қилиш мумкин.

Жунайд Бағдодий раҳимахуллоҳ айтади: “Ким ўз қобилиятининг чегарасини билса, унга Аллоҳ таоланинг камтар бандаси бўлиш осон бўлади”.

Абу Якуб Наҳражурий раҳимахуллоҳ ибодатдаги бепарволик ҳақида бундай деган: “Кимки Аллоҳ таолони яхши кўришни иддао қилса-ю, лекин Унинг амрларини бажармаса, у ўз даъвосида ёлғончидир. Яна ким гуноҳларни қилишдан кўрқмасдан севгиси ҳақида гапирса, у ҳам ёлғончидир”.


 Абу Абдурахмон Сулабийнинг
 “Нафс иллатлари ва уларнинг муолажаси”
 китобидан
Даврон НУРМУҲАММАД таржимаси



Масалаларни зарбулмасаллар билан боғлашлари*

Таълим-тарбия беришда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг услубларидан яна бири масалаларни зарбулмасал билан келтиришдир. Зарбулмасал келтириш энг яхши йўлдир, ҳақиқатни тасвирлаш, уни изоҳлаш, эшитувчига тушунтиришда энг қулай услубдир.

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг: **“Бахил билан садақа қилувчи худди кўкрагидан томоғининг остигача темир чопон кийиб олган икки кишига ўхшайди. Садақа қилувчи садақа қилмоқчи бўлса, у (чопон) унинг учун кенгайиб, юрганида билинмай қолади. Бахил одам садақа қилмоқчи бўлса, у (чопон) уни қисиб қолади ва икки қўли томоғига ёпишиб, ҳалқалари бири-бирига киришиб кетади. Бахил уни кенгайтираман деб уринади-ю, қўлидан ҳеч нарса келмайди”**, деганларини эшитганман».

Бу ҳадисда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бахил билан садақа қилувчини зарбулмасал қилдилар. Уларни душманнинг қуролидан ҳимояланиш учун совут киядиган кишига ўхшатдилар. Совутни аввал бош тарафдан кийиб, кўкракка туширилади, сўнг совутнинг икки енгидан қўл тикилади. Шунда совут инсоннинг бутун баданига тушиб, уни тўсиб туради. Эҳсон қилувчи киши совутни мукамал, тўлиқ кийган кишига ўхшайди. Бахил эса совутни кияётганида, икки қўлини совутнинг енгига киргизаётганда қўллари боши кирадиган жойга тикилиб қолган кишига ўхшайди. Уни кийишга урингани сари қўллари йиғилиб, бўйини қисади ва жони ҳалкумига келиб қолади. Бундай зарбулмасални келтиришдан мақсад саҳий одам садақа қилишни хоҳласа, қалби кенгайди, нафси роҳатланади, инфоқ қилишга қизиқади, бахил эса эҳсон ҳақида гапирилса, қалби сиқилади, деган

* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

фикрни тушунтиришдир. Аллоҳ таоло айтади: **«Кимки нафсининг бахиллигидан сақлана олса, ана ўшалар»** (охиратда) **нажот топувчилардир»** (Ҳашр сураси, 9-оят).

Аллоҳ таоло эҳсон қилувчининг айбларини икки дунёда ҳам беркитади, яъни гуноҳларини ўчириб юборади. Бахилни эса икки дунёда шарманда қилади. Бу ердаги зарбулмасал бўлиб ўтган воқеадан хабар бериш эмас, балки ўхшатиш учун келтирилди. Бошқа ҳадисда айтилишича, садақа билан мол зиёда бўлади, бахиллик билан эса камаяди.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам айтадилар: **“Аллоҳ зикр қилинадиган ва Аллоҳ зикр қилинмайдиган уй тирик ва ўликка ўхшайди”**.

Бу ҳадисда Аллоҳнинг зикр қилиниши ва зикр қилинмаслиги жиҳатидан уйлар тирик ва ўликка ўхшатилади. Бу ерда **“уй”**дан мақсад уйда яшовчи кишилардир. Зикр қилувчи киши тирикка, қилмайдигани эса ўликка ўхшатилади. Зикр қилувчи киши зикр ва амал билан ботинини зийнатлайди. Илму маърифат билан ташқи кўринишини ҳам зийнатлайди. Қалбини поклайди. Зикр қилмайдиган кишининг ташқи кўриниши эса қалби қорайгани учун борган сари чиройини йўқотиб боради. Ботини зикрдан холи бўлгани учун қаттиқлашиб, қалби тошга айланади.

Набий алайҳиссалом: **“Инсонларга яхшилик ўргатиб, ўзини эсдан чиқарадиган киши инсонларга ёруғлик тарқатиб, ўзи ёниб битган шам сингаридир”**, дедилар¹.

Бу ҳадисда яхшиликка буюриб, ўзи манфаат олмайдиган, инсонларга фойда келтириб, ўзининг фойдаси учун ҳаракат қилмайдиган киши атрофни ёритиб, ўзи эса эриб битган чироққа ўхшатилади. Бу эса **“бе-амал олим ўзини охират оловида куйдиради”**, деганидир. Дунё ортидан қувишни тўхтатмаса, бошқаларни тўғри йўлга солади-ю, ўзи ҳалок

бўлиб кетади. У ўзини ҳам, бошқани ҳам еяётган оловга ўхшайди. Уламо-лар уч тоифа бўладилар:

— ўзини ҳам, бошқани ҳам қутқаради. Бундайлар Аллоҳга юзланиб, ичида ҳам, ташида ҳам дунёдан юз ўгиради;

— ўзини ҳам, бошқани ҳам ҳалок қилади. Ундайлар дунёнинг ортидан қувишга чақирадилар;

— ўзини ҳалок қилади ва бошқани қутқаради. Улар охиратга чақир-шади ва сиртдан қараганда дунёдан юз ўгиргандек кўринсалар-да, лекин ботинда айтган гапларига амал қилмасдан, дунёнинг ортидан қувадилар.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам айтадилар: **“Илм ўрганиб, сўнг-ра уни айтиб бермайдиган киши ҳазина тўйлаб, уни эҳсон қилмайдиган кишига ўхшайди”**.

“Инсонларга яхшиликни ўргатиб, ўзини эсдан чиқарадиган киши инсонларга нур таратиб, ўзи ёниб битаётган пилик кабидир”².

Бу ҳадисда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам билганига амал қилмайдиган кишини қаттиқ огоҳлантирмоқдалар.

Ушбу мавзуга доир биз билмаган ва зикр қилмаган маълумотлар талайгина. Аммо келтирилган мана шу маълумотларнинг ўзи ҳам ўн беш аср муқаддам таълим-тарбия соҳасида шу каби ажойиб услубларни қўллаган Набий алайҳиссаломнинг энг тажрибали, буюк педагог бўлганларини кўрсатиб турибди. Ҳозирги ривожланган XXI асримизда ҳам ўқитувчи ва мураббийлар таълим-тарбия, одоб, маданият, фаросат борасида керак бўлса, бутун дунёга дарс берган, барчага намуна бўлган Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан андоза олишлари лозим.

Саййид Муҳаммад Ҳасанийнинг **“Икки олам сарвари”** асаридан **Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ таржимаси**

¹ Имом Табароний ривояти.

² Имом Табароний ривояти.

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Бола пешоби теккан жойнамозни кир машина ёки қўлда ювса тоза бўладими ё уч кун оқар сувга ботириб қўйиш керакми?

ЖАВОБ: Жойнамозга бирор нажосат тегса, агар уни сиқиш мумкин бўлса, ундаги нажосатни кетказиб уч марта ювиш ва уч марта сиқиш билан, кир машинада ювса ҳам тоза бўлади.

САВОЛ: Уйда бомдод, шом ва хуфтоннинг фарзларида Фотиҳа ва замсураларни ўзим эшитадиган даражада паст овозда ўқисам бўладими?

ЖАВОБ: Бомдод, шом, хуфтон намозлари фарзларининг аввалги икки ракатида Фотиҳа ва замсурани овоз чиқариб ўқиш жамоат билан ўқилганида имомга вожиб бўлади, ёлғиз ўқиётган намозхонга эса ихтиёрий бўлади. Пешин ва аср намозларида ҳаммаси ичида ўқилади. Ичида, махфий дегани ҳарфларни талаффуз қилмаслик дегани эмас. Ичда ўқишнинг чегараси намоз ўқиётган кишининг ўзи эшитадиган қилиб ўқишидир. Жаҳрий овоз чиқариб ўқишнинг паст даражаси ёнидаги намозхон эшитадиган қилиб ўқишдир.

САВОЛ: Чақалоқларнинг қусуғи гиламни нопок қиладими?

ЖАВОБ: Қайт қилган шахс ёш ёки қари бўлишидан қатъи назар, агар оғиз тўла қайт қилса, у нажосат ҳисобланиб, теккан жойини нопок қилади. Агар оғиз тўла бўлмаса, у нажосат ҳисобланмайди ва теккан жойини нопок қилмайди. Уламоларимиз томонидан қайтда оғиз тўла бўлишининг чегараси уни оғизда ушлаб тура олмаслик билан белгиланади. Баъзи ўринларда эса, **“Оғиздан чиқариб ташлашдан бошқа чора қолмаслиги”** билан изоҳланган.

САВОЛ: Чап оёғим яхши букилмагани учун икки оёғимни узатиб намоз ўқийман. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Оёғини бука олмайдиган ёки букса, қаттиқ оғрийдиган кишилар, зарурат юзасидан оёқларини қибла томонга узатиб ўтирган ҳолда намоз ўқишлари керак.

5-бетда

Ҳикоя

Ўн ёшлардаги бола қаҳвахонага кириб, бўш жойга ўтирди. Официант аёл келгач, бола:

— Шоколадли ёнғоқли музқаймоқ неча пул туради? — деб сўради.
— Эллик цент, — деб жавоб берди аёл.

Бола чўнтагидан тангаларини олиб ҳисоблашга тушди.

— Оддий, ҳеч нарса қўшилмаган музқаймоқ қанча? — яна сўради болакай.

Официантни бошқа столларда

Йигирма беш цент

мижозлар кутиб турарди. Аёл норози оҳангда, истамаган кўйи жавоб берди:

— Йигирма беш цент.

Бола яна тангаларини санаб чиқди.

— Оддий музқаймоқ олиб келинг, — деб буюрди кейин.

Хизматчи аёл музқаймоқни олиб келгач, бирйўла ҳисоб қоғозини столга қўйиб кўздан ғойиб бўлди. Болакай

музқаймоқни еб тугатгач, кассага пул тўлади ва чиқиб кетди.

Официант столни тозалаш учун келганда томоғига нимадир тикилгандай бўлди. Стол устида бўш идиш ёнида тартиб билан терилган йигирма беш цент танга турарди. Бу унга қолдирилган чойчақа эди.

Ориф ТОЛИБ

Кўпинча ҳаётда бирор имтиҳон мавсуми яқинлашганда кишида ҳавотир, ундан ўта олмаслик ҳадиги пайдо бўлади. Ҳамма ўзича қаттиқ тайёргарлик кўради, ўй-хаёли шу билан банд бўлади. Албатта, бу таҳсинга лойиқ. Агар ният холис, амал ва йўл тўғри бўлса, инсон шу ишида ҳам ажрга эга бўлиши мумкин. Бироқ...

Афсус, кўпчиликнинг диққати бу ўткинчи дунёдаги майда имтиҳонлар билангина чегараланиб қолади. Ахир Аллоҳ таоло сизу бизни айнан Ўзининг синовидан ўтиш учун бино қилмадими?

Дунё имтиҳони муайян китоб ёки маълум соҳа борасида бўлади, аммо охират имтиҳони ҳеч бир катта-кичик ишни қолдирмасдан ёзадиган китоб асосида бўлади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

«Сўнгра ҳар бир кишининг **номаи аъмоли** (ўз қўлига) **қўйилур. Бас, гуноҳкорларнинг унда** (битилган) **нарсалардан даҳшатга тушиб: “Ҳолимизга вой! Бу қандай китобки, на кичик ва на катта** (гуноҳни) **қолдирмай, барчасини ҳисоблаб қўйибди?” дейишларини кўрурсиз.** (Улар) **қилган** (барча) **амалларини нақд ҳолда топулар.**

Ислом тамаддуни тарихидан

Ўрта асрларда яшаб ўтган андалусиялик олим Ибн Байтарнинг машҳур қомусий “Жоме лимуфродатил адвия вал ағзия” асари асрлар давомида Шарқ ва Ғарб ботаниклари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди ва тиббиётга катта таъсир кўрсатди.

Олимнинг асл исми Зиёуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад (мил. 1197–1248). У Ибн Байтар таҳаллусини отасининг касбидан олган. “Ибн Байтар” араб тилида “ветеринарнинг ўғли” маъносини беради (*Medical history of contraception*. 1963).

Ибн Байтар билими ва тажрибасини ошириш, асарлари учун материал тўплаш мақсадида уч қитъа бўйлаб саёҳат қилган нодир муаллифлардан (www.fikriyat.com). Олим тадқиқот мақсадида Ўрта ер денгизи ҳавзаси мамлакатлари, Шимолий Африка — Тунис, Жазоир, Триполи бўйлаб саёҳат қилди, Анадолада маҳаллий мутахассислар билан учрашиб, ўсимлик намуналарини йиғди (www.fikriyat.com).

Бундан ташқари, олим тўплаган, тиббиётда қўлланиладиган ўсимлик турлари ва озиқавий моддалардан олинган ашёларни барча хусусиятлари билан таништириб, номларини

Имтиҳон хавотири

Раббингиз ҳеч кимга зулм қилмас» (*Каҳф сураси, 49-оят*).

Дунё имтиҳони курсилари қулай, шароитлари бор жойда бўлади. Охират имтиҳони эса ҳаммани кўрқувга, титроққа солади:

«**Бас, агар сизлар кофир бўлсангиз, (ўз даҳшати билан) болаларни қаритиб, оқсочларга айлантириб қўядиган куннинг (қиёматнинг) азобидан қандай сақланурсиз?!**» (*Муззаммил сураси, 17-оят*).

Дунё имтиҳонининг назоратчиси сизу биздек бир банда, охират синовини назоратчиси эса адашмайдиган, унутмайдиган ва барча нарсани биладиган Зотдир.

Дунё имтиҳонидаги ютуқ ярим кафолатланган, муваффақият қозонувчи кўп, аммо охират имтиҳонидан ўтадиган одам кам. Дунё имтиҳонидаги муваффақият инсоннинг мартабасини бир поғона кўтариб ёки бирор хужжатга эриштиради. Охират синовидан ўтган киши абадий дўзахдан қутулиб, абадий жаннатга етишади:

«**Бас, (ўша куни) ким дўзахдан**

узоқлаштирилиб, жаннатга киритилса, демак, у (катта) ютуққа эга бўлибди. Бу дунё ҳаёти эса фақат ғурур (алдов) матоҳидир» (*Оли Имрон сураси, 85-оят*).

Дунё имтиҳонидан йиқилиш билан бирор даража ёки босқич, ёхуд Аллоҳ наздида чивиннинг қаноти га тенг келмайдиган бирор дунёвий мартабадан айрилиш мумкин. Охират имтиҳонидан йиқилиш эса абадий ютқизикдир:

«**Айтинг: “Ҳақиқий зиён кўрувчилар қиёмат кунда ўзларига ҳам, аҳли (оила)ларига ҳам зиён қилувчи кимсалардир. Огоҳ бўлингизки, ана шу аниқ зиёнaddir!”**» (*Зумар сураси, 15-оят*).

Дунё имтиҳонида яна имкон бўлади. Охират имтиҳонида бошқа имкон ёки такрорланиш йўқ. У пайтда бепарволик қилиб, ҳасратда қолган кимса: «**Эй Раббим! Мени (яна ҳаётга) қайтар»**, деб нидо қилади (*Муъминун сураси, 99-оят*).

Унга: «**Нима учун, эй ғофил?**» дейилса: «**Шояд, мен тарк этган жойим (дунё)да яхши амал қилсам»,**

деб зорланади (*Муъминун сураси, 100-оят*). Хўш, унинг бу орзуси ижобат бўладими? «**Йўқ!**» (У асло қайтарилмас). **Бу ҳақиқатан у айтувчиси бўлган сўздир. Уларнинг ортида, то қайта тириладиган кунларигача (икки дунё ўртасини тўсиб турадиган) бир тўсиқ бордир»** (*Муъминун сураси, 100-оят*).

Имтиҳондан йиқилиб, дўзахнинг алангали жойига етиб борганида: «**“Парвардигоро, бизларни (азобдан) чиқаргин, бизлар қилиб ўтган амалларимиздан бошқача яхши (амалларни) қилайлик!” деб фарёд қилурлар»** (*Фотир сураси, 33-оят*). Шунда уларга қойиш ва танбех ўларок: «**Ахир, Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантирувчи (пайғамбар) ҳам келган эди-ку! Бас, энди (жазола-рингизни) тотаверингиз!**» дейилади (*Фотир сураси, 37-оят*).

Шундай экан, бу ўткинчи оламда ҳамма нарсани қиймати қадар баҳо-ланг. Асосий тайёргарлигингиз асосий имтиҳон учун бўлсин! Фарзандларингизга ҳам шундай ўргатинг...

Ғиёсиддин Баратов
тайёрлади.

Саратонга даво топган табиб

араб, бербери, лотин, юнон, форс тилларида ёзиб қолдирди (*Ibnul-Baytor / M. Kaya // TDV Islom Ansiklopedisi*).

Мутафаккирнинг асосий ҳиссаси “Жоме лимуфродатил адвия ва ағзия” китобидир. Ушбу асар тарихдаги энг катта ўсимлик тўпламларидан бири ҳисобланади. Олим Карл Линнейдан кўп асрлар илгари ўсимликларни таснифлаш тизимини тақдим этиб, улардан дори воситалари ишлаб чиқиш ҳақида маълумот берди (www.fikriyat.com).

Ибн Байтар китобида 1400 дан ортиқ дори воситалари, шу жумладан, ўзи тайёрлаган 300 та янги дори ҳақида батафсил тушунтириш берди. Шунингдек, у барча дори воситаларининг шифобахш хусусиятлари ва фойдалари, уларни дори ёки озиқ-овқат сифатида ишлатиш йўллари баён қилди. Таснифни ўсимликларнинг биринчи ҳарфларига кўра ишлатди. Масалан, “С” бобида ушбу ҳарф билан бошланадиган ўсимликларнинг номлари ва бошқа маълумотлар бор.

Асарнинг алифбо таснифида кўриниши уни қомусга айлантиришга ёрдам берди (<https://arsco.org/article-detail-275-8-0>). Асар 1758 йилда лотин тилига таржима қилинди. XIX асрнинг бошларига қадар Европада қўлланма сифатида ишлатилди. Шунингдек, 150 та аввалги араб муаллифлари ҳамда 20 та юнон муаллифлари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Ибн Байтар ўсимликлар устида кўплаб тажрибалар ўтказди. Ҳар бирининг хусусиятлари ва таснифини ёзиб олди. Касалликларни даволашдаги ролини тушунтирди. (<https://rehlatandalusia.com/>). Масалан, “Амми” ўсимлиги уруғини асал билан аралаштириб, вителиго (пес) ни даволашда қўллади.

Оддий зирк илдизи пўстлоғининг қайнатмаси билан оғиз бўшлиғи яллиғланиши, кўз касалликлари ва силни даволади.

Бош оғриғини қолдириш учун эса шувок қайнатмасидан компресс тайёрлаб, пешонага қўйган. Шунингдек, шувокни жигарни мустаҳкамлаш ва ошқозонни тозалаш учун қўллади.

Олим биринчи бўлиб момақаймоқнинг антиоксидант (оксидловчи стрессни бостирадиган ва эркин радикалларга қарши курашадиган моддалар) ва ўсимта ўсишига қарши хусусиятларини исботлаган ҳолда саратон касаллигини даволаш усулларини кашф этди (www.fikriyat.com).

Унинг шогирди, машҳур олим Ибн Абу Усайба устози ҳақида бундай дейди: “Мен Ибн Байтарнинг меҳрибон, жасур ва таърифлаб бўлмайдиган даражада саҳийлигининг гувоҳи бўлдим. У билан бирга Дамашқ чеккасида кўплаб ўсимликларни кузатдим. Мен у зотнинг ноёб хотирасига ҳайрон қолдим. У ҳар

бир дорини қайси китобда, қайси мақоласида ва қайси сониди тилга олинганини айтиб берар эди. Ибн Байтар ўсимликларни билиш, уларни тадқиқ қилиш, жойлашувини танлаш, хилма-хиллиги ва номларини таърифлашда ўз даврининг ягонаси ва асрининг алломасидир” (rehlatandalusia.com).

Марокашлик тадқиқотчи, “Ислом цивилизациясида илмий тафаккур қурувчилари” китоби муаллифи Ҳалима Ғарори бундай дейди: “Ибн Байтар ўрта асрлардаги энг буюк ботаник ва самарали олимлардан бўлиб, ўсимликлар ва уларнинг хусусиятларини ўрганди... Унинг ўсимликларга қизиқишидан ташқари, экинларга зарар етказувчи бегона ўтларни тадқиқ этиш ва уларни ҳар бир экинга қараб таснифлашга қизиққан биринчи олимдир”.

Шунингдек, Ибн Байтар энг буюк доришунослардан эди. Саййид Ҳасан “Исломда илм ва цивилизация” китобида бундай дейди: “Ибн Байтар ботаника ва фармакология фанларидаги энг буюк мусулмон олими бўлиб, унинг кенг обрўси ўрта асрларда барча доришуносларни соясида қолдирди. Шубҳасиз, Ибн Байтар Диоскорид давридан ҳозиргача етишган энг буюк доришуносдир” (<https://arsco.org/article-detail-275-8-0>).

Манбалар асосида
Мунаввар РУСТАМ қизи тайёрлади.



Саломлашиш мўминларнинг

ҳаққидир

Аллоҳ таоло Нур сурасининг 61-оятида бундай марҳамат қилади: **«Бас, қачонки уйларга кирсангиз, бир-бирларингизга Аллоҳ ҳузуридан бўлган муборак, покиза саломни айтингиз»** (яъни «Ассалому алайкум» денг!). Ояти қаримадан салом бериш нақадар улуғ ва қони фойда амал экани кўриниб турибди.

«Салом» сўзининг маъноларидан бири тинчлик бўлиб, салом берувчи бу билан тинчлик-хотиржамлик, осойишталик ва фаровонлик тилаган бўлади. Килда ибн Ҳанбал розияллоху анху ривоят қилади: «Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига салом бермасдан киргандим, у зот: **«Ортингга қайтиб: «Ассалому алайкум, кирсам мумкинми?» деб сўрагин»**, дедилар». Бошқа ҳадисда эса: **«Эй инсонлар, саломни ўрталарингизда кенг ёйинглар»**, деб марҳамат қилганлар.

Салом бериш суннат, алик олиш эса вожибдир. Саломга алик олмаслик эса мусулмонлар орасида адоват ва турли келишмовчиликлар келтириб чиқаради.

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 86-оятида марҳамат қилади: **«Қачон сизларга бирор саломлашиш (ибораси) билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олингиз ёки ўша (ибора)ни қайтарингиз»**.

Салом-аликни эшиттириб айтиш лозим. Оятга кўра, алик олишни саломга яраша чиройли қайтариш зарур. «Ассалому алайкум» (сизга тинчлик-омонлик бўлсин) дейилса, «Ва алайкум ассалом» (сизга ҳам тинчлик-омонлик бўлсин) дейиш билан вожиб соқит бўлади. «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ» (сизга тинчлик-омонлик ва Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) дейилса, «Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳ» (сизга ҳам тинчлик-омонлик, Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) деб алик олинади. Агар салом берувчи «Ва барокатуҳ» деб қўшимча қилса, аликда ҳам ўша калима қўшилади.

Бир кишининг воситасида етказилган саломга «Ассалому алайка ва алайҳи» (сизга ва унга тинчлик-омонлик бўлсин) деб дарҳол жавоб қайтариш лозим. Мактуб, телефон ёки ижтимоий тармоқлар орқали келган саломларга ҳам алик олинади. Келган хабарларнинг жуда кўплиги эътиборидан ёзма жавоб қайтариш имкони бўлмаса, қалбан алик олиш кифоя. Гапира олмайдиган кишидан овоз соқит бўлади. Аммо лабини қимирлатиш билан жавоб қилиши вожибдир.

Шунингдек, саломлашишдаги ҳар бир иборага ўн савоб берилади. Имрон ибн Ҳусайн розияллоху анху модан ривоят қилинган ҳадисда бир одам Набий соллаллоху алайҳи ва

саллам ҳузурларига келиб: «Ассалому алайкум», деди. У зот алик олдилар ва у ўтирди. Набий алайҳиссалом: **«Ўнта»**, дедилар. Сўнгра бошқа киши келиб: «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ», деди. У зот алик олдилар, у ўтирди. Набий алайҳиссалом: **«Йигирмата»**, дедилар. Сўнгра яна бошқа одам келиб: «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ», деди. У зот алик олдилар ва у ўтирди. Шунда Набий алайҳиссалом: **«Ўттизта»**, дедилар (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Демак, тўлиқ ва мукаммал салом берган киши ўттизта савобга эришади.

Исломнинг шиори бўлган «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ» жумласини «Хайрли тонг», «Хуш келибсиз» кабиларга ўзгартирмаслик керак. Зотан, бу ибора ва хатти-ҳаракатлар салом ўрнини босмайди. Оқибатда мусулмонликнинг аломати ва Исломнинг шиори бўлмиш саломнинг йўқолишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, саломлашиш ибораларини тўлиқ ва тўғри талаффуз қилиш керак. Масалан, «Ассому алайкум» деб хато талаффуз этилса, «сизларга ўлим бўлсин» деган маъно чиқиб қолади.

Абу Ҳурайра розияллоху анху дан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: **«Сизлардан бирор киши инсонлар тўпланиб турган жойга келса, салом берсин. Агар кетмоқчи бўлса, яна салом берсин. Зеро, биринчиси охиригисидан ҳақли (устун) эмас»** (Имом Термизий ривояти). Демак, келганда берилган салом билан кетаётгандаги салом тенг мартабадаги суннат амал экан.

Саломга жавоб қайтарилмаса, салом берувчига зарари йўқ. Зеро, унга фаришталар алик олишади. Алик олмаган киши эса вожибни тарк қилгани учун гуноҳкор бўлади. Номохрам аёлларга, Қуръон ва намоз ўқиётганга, азон ёки такбир айтаётганга, ҳаммом ва ҳожатхонадаги одамга, оғзида таоми бўлган кишига, ухлаётганга, дуо ва хутба ўқиётганга ҳамда эҳромда «лаббайка» айтаётган кишига салом бериш макруҳдир. Бундай пайтда алик олинмайди.

Бегона аёл салом берса ёки аксириб ҳамд айтса, эркак жавоб қилганда фитна бўлишидан қўрқса, ошқора алик олмайди, балки ичида жавоб қайтаради. Номохрам аёллар билан қўл бериб кўришилмайди. Шунингдек, бидъатчи, беҳаё, фосиқ ва динсиз кимсаларга салом берилмайди ва алик олинмайди. Аҳли куфр ҳамда ғайридинлар саломига ўзларига яраша жавоб қайтарилади.

Масалан, «Здравствуйте» ёки «Добрый день» деб сўрашилса, уларга «Здравствуйте» ёки «Добрый день» дейилади.

Қабристон олдидан ўтаётганда: **«Ассалому алайкум, эй мўмин-мусулмонлар диёри аҳллари! Сизлар биздан олдин кетдингиз, бизлар ҳам, иншоаллоҳ, сизларга қўшиламиз. Аллоҳдан ўзимизга ва сизларга офият сўраймиз»**, дейиш керак.

Қасддан саломга жавоб қилмаслиги аниқ бўлган кишиларга ҳам салом берилмайди.

Уйга кирган ёки чиққан киши оила аъзоларига салом беради. Уйда ҳеч ким бўлмаса: **«Ассалому алайна ва алаибадиллаҳис солиҳийн»**, деб салом берилади. Чунки у ерда фаришталар бўлишади. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам Анас розияллоху анхуга саломлашишни таълим бериб: **«Эй ўғилчам, агар аҳлинг олдида кирсанг, салом бергин. Шундай қилсанг, сенга ва аҳлингга барака бўлади»**, дедилар (Имом Термизий ривояти).

Агар кириладиган ерда дам олаётган одамлар бўлса, оҳисталик билан, паст овозда салом берилади. Миқдод ибн Асвад розияллоху анху айтади: **«Набий соллаллоху алайҳи ва салламга сўт чиқариб турар эдик. У зот кечаси келиб, ухлаётган кишининг уйкусини бузмайдиган, бироқ уйғоқ инсон эшитадиган даражада паст овозда салом берардилар»** (Имом Муслим ва Имом Термизий ривояти).

Кўпчиликка салом берганда, хосламай, ҳаммага тенг салом берилади. Бир киши алик олса, бошқаларидан соқит бўлади. Ҳамма жавоб қайтарса, савоби улуғ бўлади. Ҳеч ким алик олмаса, ҳамма гуноҳкор бўлади. Кўпчилик йиғилган жойга келган киши биринчи бўлиб салом беради. Агар қўл бериб саломлашилса, мажлисдаги илмми, тақводор, ёши улуғ ва шунга ўхшаш фазилатли кишилардан бошлаш афзал.

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Ёши каттадан, ёши каттадан»**, бошқа ривоятда: **«Ёши улугнинг ҳурматини жойига қўй»**, деганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Абу Яъло ва Табаронийдан ривоят қилинган ҳадисда: **«Ёши улуглардан бошланглар ёки катталардан»**, дейилган. Издиҳомларда кўришиш мақсадида ҳаммани ўрнидан қўзғатиб безовта қилиш ярамайди. Узрли ҳолатларда бир қўллаб кўришилса, зарари йўқ. Сўрашганда қўлни сиқиб ёки сийпалаб кўришиш, қаттиқ силтаб озор бериш одобдан эмас. Қўл учида, совуққина кўришиш ҳам менсимаслик, одобсизлик саналади.

Кўкдала тумани «Имом Ҳасан-Ҳусан» жоме масжиди имом-хатиби
Умар ОЧИЛОВ тайёрлади.

Масала

3-бетда

САВОЛ: Ҳозирда кўп қаватли уй ва ҳовиларга тегишли пиёдалар йўлакларини панжаралар билан ўраб, дарахт ёки гуллар ўстириш ҳамда қурилиш молларини ҳафталаб қўчаларда қолдириш, умумий фойдаланадиган жойларни авто-тураргоҳ қилиб олиш ҳолатлари кузатилмоқда. Оқибатда пиёдалар, хусусан, мактаб ўқувчилари автомобиль йўлидан юришга мажбур бўлишмоқда. Шу ишлар қанчалик тўғри?

ЖАВОБ: Аҳоли фойдаланадиган жойлар, автомобиль йўллари ҳамда пиёда йўлаклари барча баробар фойдаланадиган жойлар ҳисобланади. Ҳеч кимнинг уни эгаллаб олишига ҳаққи йўқ.

Хузайфа ибн Усайд розияллоху анху дан Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: **«Ким мусулмонларга уларнинг йўлларида озор берса, у одамга уларнинг лаънати вожиб бўлиб қолади»** (яъни уларнинг лаънатига ҳақли бўлиб қолади), деганлари ривоят қилинади. (Имом Табароний ривояти).

«Бирор киши омма йўлига ҳожатхона қурса, ё сув тарновини чиқариб қўйса, ёки минора ё дўкон қурса, қўчадан фойдаланувчи ҳар бир киши уни бузиб ташлашни талаб қилиш ҳаққига эга бўлади. Шамсул аймма айтади: «Оммани йўлига ўз фойдаси учун бирор нарсаси қуриш, йўлдан фойдаланувчиларга зарар қилса, дуруст эмас. Бироқ йўл кенг бўлиб, ҳеч кимга зарар қилмаса, фойдаланувчилардан қаршилиқ ҳам бўлмаса, бу дурустдир» («Баҳрур роиқ»).

Ҳадиси шарифларда мусулмонларнинг йўлларида озорни олиб ташлаш, йўловчиларга кенг шароит яратиш савобли ишлардан экани таъкидланади.

7-бетда



Бизга улкан адабий мерос қолдирган мутафаккир аллома Алишер Навоий ижодини ўрганар эканмиз, эътиборимизни “Арбаъин” асари тортди. Ушбу асар Навоийнинг устози Абдурахмон Жомийнинг “Чиҳил ҳадис” номдаги таълифининг туркий таржимасидир.

Мутафаккир шоир кундалик ҳаёт учун зарур, бироз шархлаш лозим бўлган қирқта ҳадиси набавийни тушуниш ва ёдлаш осон бўлиши учун форсча назм йўли билан таржима қилган ва асли билан бирга китоб ҳолига келтирган. Навоийга бу асар маъқул келиб, Жомийнинг рухсати билан уни туркий тилга таржима қилган.

Яхшиликка чақириш

Қуръони каримнинг биринчи нозил бўлган оятида Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломга: **«Ўқинг (эй Мухаммад! Бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан! (У) инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса қарамлидир. У инсонга қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди. У инсонга билмаган нарсаларини билдирди»** (Алақ сураси, 1–5-оятлар), дея марҳамат қилиб, бутун инсониятни илм-маърифат эгаллашга буюради. Қуръони каримнинг ўринларида очиқ ёки ишора билан илмнинг қадр-қиммати, аҳамияти хусусида сўз юритилади. Шундан англаш мумкинки, Ислом – илм дини. Зотан, банда илм воситасида Раббини танийди, дину диёнат, дунё ва охират синоатларини теранроқ англаб, зиммасидаги фарз амалларини бажаришга муваффақ бўлади.

«Аллоҳ адолатда (барқарор) туриб, бундай гувоҳлик берди: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир”, фаришталар ва илм эгалари ҳам. (Албатта,) Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Азиз (қудратли) ва Ҳаким (ҳикматли)дир» (Оли Имрон сураси, 18-оят).

Ушбу оятда эса Аллоҳ таоло аввал ўзини, кейин фаришталарни, сўнг илм аҳлини зикр этмоқда. Бу эса илмнинг шараф ва олий мақом эканини англатади.

“Арбаъин”ни биласизми?

“Арбаъин” асарининг тошбосма ва қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, Париж миллий кутубхонасида сақланмоқда. Унинг фотонусхаси марҳум Ҳамид Сулаймоннинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтига келтирилган. 1893 йилда Лахтин матбаасида, 1907 йилда эса Боғчасаройдаги Исмоилбек Гаспиринский матбаасида тошбосма қилинган.

“Жўйбори Калон” мадрасасида битирув малакавий ишимга мавзу сифатида ушбу асарни танладим ва асосий манба сифатида Бухоро давлат тасвирий санъат музейи қўлёзмалар фондида 2084 инвентар рақам остида сақланаётган “Арбаъин”нинг тошбосма нусхасини ўргандим. Малакаий битирув ишини ёзиш давомида шунга амин бўлдимки, аллома ижодининг асосий негизини диний қарашлар ташкил этар экан. Яъни унда бевоқифият динни англаш, унинг талабларини тўғри бажариш, ҳалол-ҳаром ва савоб-гуноҳни ажратиш каби масалалар юксак бадиий маҳорат

билан акс эттирилган. Шунингдек, асарда қирқ ҳадис мазмуни шеърӣй вазнда, аниқроғи, бир рубоийда ифодаланган. Бу эса ўша даврдаги араб тилини билмайдиган оддий халққа диний аҳкомларни ўрганишларида жуда қўл келган. Алишер Навоий нима мақсадда “Арбаъин”ни таълиф этганини бундай изоҳлайди:

*Форсийдонлар айлабон идрок,
Орий эрди бу нафдин атрок.
Истадим, бу халқ ҳам бори
Бўлмағайлар бу нафдан орий.*

Мазмуни: Форсийда сўзлашувчи халқлар ҳадислар мазмунини ўз тилларида шеърӣй услубда ёдлаб ўрганар, туркий халқлар эса бу нафдан бебаҳра эдилар. Шу сабабли туркий тилли улуслар ҳам ҳадислар мазмунини осон ва завқли тушуниши, хотирасида сақлаши учун таржимага қўл урдим, ҳадисларни шеърға солдим, дейди.

Энди ҳадис намуналарини келтириб ўтсак: **“Кимки Аллоҳ учун бериб, Аллоҳ учун ман қилса ва Аллоҳ учун яхши кўриб, Аллоҳ учун ёмон**

кўрса, батаҳқиқ, унинг иймони комил бўлибди”.

Навоий назмида:

*Кимга ким ҳуб-у буғ-у ман-у ато,
Ҳақ учун бўлди жазм бил они.
Ким эрур Тенгри лутфидин комил
Аҳли иймон қошида иймони.*

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, буюк мутафаккир Алишер Навоий кўпгина фанлардан, фалсафий тафаккурлардан ва диний ақидалардан воқиф бўлган. Ислом аҳкоми ва ақидасини нозик жиҳатларига мукаммал билган. Қуръони каримни ҳам дақиқ тушунган. Бу унинг барча адабий меросида яққол кўзга ташланади.

Биз тадқиқ қилиб, китоб ҳолида нашр этишни мақсад қилган “Арбаъин” асари ҳам келажак авлодининг маънан юксалишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳадича ҲАҚБЕРДИЕВА,

*“Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус
ислом таълим муассасаси
3-босқич талабаси*

Қуръондаги илк амр

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Илм Чин-Мочин (Хитой) да бўлса ҳам, уни излаб топиб, эгаллангиз. Зеро, илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир”**, деганлар (Имом Ибн Адий ва Имом Байҳақий ривояти).

Инсон ҳамиша билим олишга интилиши, ҳатто бу йўлда мусофирликнинг ҳам аччиқ синовларини бошдан кечирса ҳам, надомат қилмаслиги лозим.



Улуғ аждодларимиз бекорга илм-фан, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда улкан муваффақиятларга эришмаганлар. Уларнинг маърифатга бўлган муҳаббати ҳамиша алангаланиб турган ва бу куч барча синовларни енгиб ўтишга, тинимсиз меҳнат қилишга ундаган. Қолаверса, боболаримиз, моларимиз фарзандларининг келажакда олиму фузало бўлишлари учун мудом дуода бўлишган.

Илм эгаллашда дуонинг ҳам бекиёс ўрни бор. Бақара сурасининг 186-оятда бундай дейилади: **«Сиздан (эй Мухаммад!) бандаларим Менинг ҳақимда сўрасалар, (айтинг) Мен уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этурман. Бас, улар ҳам Мени (даъватларимни) ижобат (қабул) этиб, Менга иймон келтирсинлар, шояд (шунда) тўғри йўлга тушиб кетсалар».**

Биз дуоларимизда Аллоҳ таолога илтижо билан топинсак, суянсак ва Ундан мадад сўрасак, албатта, муқаддас ҳосил бўлади. Демак, дуоларнинг афзали бўлган фарзандларимизнинг бахту иқболи порлашини, илми янада зиёда бўлишини сўрашдан толмасак, иншоаллоҳ, боболаримизнинг муносиб вори-слари етишиб чиқаверади.

Ота-онанинг фарзанди ҳаққи-га қилган дуоси, шубҳасиз, ижобат бўлади. Болаларимизни салоҳиятли, тақволи, элу юртга хизмат қиладиган маърифатли қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратишимиз, ота-оналар ўғил-қизларининг ҳаққи-га кўпроқ дуо қилишлари лозим.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам илм талаб қилишга ундаб: **“Ким илм талабида йўлга чиқса, Аллоҳ унга жаннат йўлини (топишни) енгиб қилади. Фаришталар қанотларини толиби илмнинг оёғи остига пояндоз қилиб тўшайдилар. Олим ҳаққи-га осмонлар ва Ердаги барча нарсалар истиғфор айтур. Ҳатто сувдаги балиқлар ҳам. Олимнинг обидга нисбатан устунлиги оининг юлдузларга нисбатан фазилатига ўхшашидир. Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Албатта, пайғамбарлар динор ва дирҳам мерос қолдирмадилар, улар илмни мерос қолдирадилар. Ким уни тутса, тўла насибасини олибди”** (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Аллоҳ таолонинг илк амрига бўйсунган, унга тўла-тўқис амал қилган банда борки, у, шубҳасиз, энг бахтли, саодатли одамдир. Уларнинг ҳаёт тарзи, тутумлари барчамизга ибрат мактаби, сабоқ маёғи бўлмоғи лозим. Зотан, илм – нур, у бизни нурли манзиллар сари етаклайди.

Дилмурод СОДИҚОВ

тайёрлади.

Макканинг муаззини

Бир куни Билол розияллоху анху пешин намозида азон айтаётган эди. Абу Махзура деган мушрик чўпон ҳам масхара қилиб қўйларига қараб азон айтди. Унинг овози Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг қулоқларига етиб келди. Шунда Али ва Зубайр розияллоху анхумони юбориб, чўпонни олиб келишни тайинладилар. Улар бир неча киши эди. Қай бири азон айтганини билмаганлари учун ҳаммасини олиб келишди. Набий алайҳиссалом улардан қайси бири азон айтганини сўрадилар. Аммо улар жавоб беришмади.

Шунда Набий алайҳиссалом уларнинг ҳар бирига азон айтишни буюрдилар. Улар бирин-кетин азон айтди. Уларнинг охири Абу Махзура бўлди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ундан: **“Исминг нима?”** деб сўрадилар. У: “Абу Махзура”, деб жавоб берди. **“Ўша ёқимли овоз билан азон**

айтган йигит сенмисан?” дедилар Набий алайҳиссалом. Абу Махзура: “Ҳа, менман”, деди у зотнинг муомалаларидан хурсанд бўлиб. Расулуллоҳ унга: **“Бери кел”,** дедилар ва бошига муборак қўлларини қўйиб: **“Аллоҳим, бу йигитнинг ўзига, авлоду зурриётига ва хуш овозига барака бер ва уни ҳидоятингга бошла”,** деб дуо қилдилар. Ўша онда Абу Махзура шаҳодат калимасини айтиб, иймонга келди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам уни Маккаи мукаррамага муаззин қилиб тайинладилар. Шу кундан кейин Абу Махзура: “Расулуллоҳ муборак қўллари билан силаб, барака сўраб дуо қилган бу сочларимни ҳечам олдирмайман”, дея қасам ичди. Шундай қилиб Абу Махзура то вафот этгунча Масжидул Ҳаромда азон айтди.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху халифалик даврида Маккага

борганида Абу Махзуранинг азон товушини эшитиб: “Бу қандай ҳам ёқимли овоз. Эй Абу Махзура, овозинг бунча баланд чиққанидан томоғинг ёрилиб кетишидан қўрқмайсанми?” деди. Абу Махзура: “Эй мўминлар амири, келганингизни билиб, азонни эшитишингиз учун баландроқ айтдим”, деди. Шунда Умар розияллоху анху: “Эй Абу Махзура, Макка жуда иссиқ жой, кун салқинлаганидан кейин азон айт, ундан кейин такбир айтсанг, мен ҳам намозга келаман”, деди.

Абу Махзура розияллоху анху ҳечам Маккадан ташқарига чиқмаган. У 59 ҳижрий санада вафот этди. Унинг авлодлари ҳам Расулуллоҳнинг дуолари шарофати ила уч юз йил давомида муаззинлик қилиб ўтишди.

Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ
таржимаси

Табаррук осори атиқалар

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг минбарлари

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг масжидларида устун вазифасини ўтовчи хурмо дарахтининг тўнкаси бўлган. У зот соллаллоху алайҳи ва саллам хутба қилганларида мазкур ёғочлардан бирининг ёнида туриб гапирганлар. Баъзи вақтларда узоқ муддат туриб қолар эдилар. Шунда баъзи саҳобалар устида ўтириладиган бирор нарса ясаб бермоқчи бўлишиб, у зотдан бунга рухсат сўраганлар:

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Бир аёл: “Эй Аллоҳнинг Расули, устига ўтиришингиз учун сизга бирор нарса қилиб берайми, менинг дурадгор қулим бор”, деди. У зот: **“Агар (шуни) хоҳласанг (майли),”** дедилар. Ҳалиги аёл минбар қилиб берди» (Имом Бухорий ривояти).

Келгуси жумада Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам олиб келинган минбар устида хутбага чиққанлар. Шу пайт олдин унинг ёнида хутба қилинадиган хурмо дарахти тўнкасидан ёш боланинг йиғисига ўхшаш овоз чиққан. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам минбардан тушиб ўша ёғочнинг олдида бориб уни ушлаганларидан сўнг у тинчланган. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Олдин унинг ёнида бўладиган зикрдан айрилганига йиғлади”,** деганлар.

Ҳасан Басрий қачон шу ҳадисни ривоят қилса: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ёнидан кетганига эртага сўроққа тутилмайдиган бир ёғоч йиғлади-я, биз йиғламаслигимиз мумкинми?”

дер ва йиғидан соқоллари ҳўл бўлиб кетарди.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг мазкур минбарлари ҳижратнинг саккизинчи йили ясалган. Минбарнинг учта поғонаси бўлган. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам хутбада оёқларини иккинчи поғонага қўйиб минбарнинг устида ўтирганлар. Кейинчалик Абу Бакр розияллоху анху хутбада ўтирган пайтда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга одоб юзасидан иккинчи поғонага ўтириб оёқларини энг пастки биринчи поғонага қўйиб турган. Умар розияллоху анху раҳбар бўлганларида эса хутбада ўтирган пайтда биринчи поғонага ўтириб оёқларини ерга қўйиб турган. Усмон розияллоху анхунинг давларида ҳам олти йилга қадар шу ҳолат давом этган. Сўнгра у зот Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ўтирган жойга минбар устига ўтирадиган бўлган.

Кейинчалик Муовия розияллоху анху мазкур поғоналарнинг тагидан яна поғоналар қўшдирган ва минбарнинг поғоналари тўққизтага етган. Раҳбарлар хутбада ўтирганда мазкур минбарнинг еттинчи поғонасида, яъни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам минбарларининг энг қуйи биринчи поғонасида ўтирганлар. Ушбу минбар олти юз йилдан ортиқ вақт давомида Масжиди Набавийда шундай ҳолатда турган. Ҳижрий 654 (милодий 1256) йилда содир бўлган масжид ёнғинида минбар ҳам қуйиб кетган. Ушбу

воқеадан сўнг ҳижрий 658 йилда унинг ўрнига Яман подшоҳи Малик Музаффар томонидан ясаттирилган минбар ўрнатилган. Аммо кейинчалик яна бир неча марта бошқа-бошқа минбарлар қўйилган. Масжиди Набавийга охириги қўйилган минбар ҳижрий 998 йилда Султон Мурод III Усманий томонидан юборилган минбар бўлган. Бу минбар мармардан ясалган бўлиб, гўзал нақшлар билан безатилган, тепасида тўртта устунли куббаси ҳам бор. Ушбу минбарнинг эшиги ҳам бўлиб, эшигидан ташқарисида учта, ичкарисида тўққизта поғонаси бор. Ҳозирда ушбу минбар Масжиди Набавийда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг минбарлари ўрнида турибди.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам минбар ҳақида: **“Уйим ва минбарим орасида жаннат боғларидан бир боғ бор”,** деганлар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларидан нима ирода қилганлари тўғрисида турли маънолар айтилган.

1. Баъзи уламолар мазкур жойга доимий равишда раҳмат ёғилиб тургани ҳамда бу ерда ҳамиша Аллоҳ таолонинг зикри бўлиб тургани эътиборидан бу жой, яъни уйлари билан минбарларининг ораси худди жаннат боғларидан бир боғ каби, деганлар.

2. Баъзи уламолар эса **“Уйим ва минбарим орасида жаннат боғларидан бир боғ бор”** деганлари бу

Масала

5-бетда

Абу Барза ал-Асламий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Мен: “Ё Расулуллоҳ! Мени бирон ишга буюринг, шуни қилиб юрай”, дедим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Йўлдан озорни четлатинг, шу сиз учун садақа бўлади”,** дедилар (“Ал-адабул-муфрад”).

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Йўл устидаги мусулмонларга озор берадиган бир дарахт (бута)ни кесиб ташлагани сабабли жаннатда кезиб юрган бир кишини қўрдим”,** дедилар (Имом Муслим ривояти).

Демак, аҳоли фойдаланадиган жойларни, пиёдалар йўлакларини темир панжаралар билан беркитиб қўйиш, мевали дарахтлар экиб ёки гулзор қилиб тўсиб қўйиш ҳолатлари, автомобиль йўлларида қурилиш молларини ҳафталаб қолдириш, йўловчиларга ва маҳалла аҳолисига зарар берса, дуруст эмас. Ҳеч кимга зарар бермайдиган ва бирон шахс эътироз билдирмаган ҳолатларда вақтинчалик фойдаланиб туриш мақсадида бу ишларни қилиш жоиз. Лекин масъул томонлар ёки шу йўлдан фойдаланиш ҳақида эга ҳар қандай шахснинг талаби билан бу нарсалар бартараф қилиниши лозим.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44

жойда ибодат қилганларнинг жаннатга киришига ва-сила бўлиши эътиборидандир, дейишган.

3. Баъзи уламолар эса бу ер охиратда жаннатга қўчирилади. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам уни жаннат боғларидан бир боғ деганлар.

Аллоҳ таоло барчамизга жаннат боғларидан бир боғ бўлган жойда такрор-такрор ибодат қилиш бахтини насиб этсин!

Абдулқодир АБДУРРАҲИМ,

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти катта ўқитувчиси

Қалб Аллоҳни эслаш билан ором топади

“Дил ба ёру даст бакор” – Қалб Аллоҳда, қўл меҳнатда бўлсин деган муҳим қоида нақшбандия тариқатининг оммалашувига асос бўлди. Унинг замирида инсониятнинг фоний дунёда қандай яшамоғи тўғрисидаги Қуръони карим оятлари ва муборак ҳадисларда баён этилган таълимотлар мужассам.

Нақшбандия тариқати ҳар бир мусулмонни ҳалол меҳнат асосида қалбни нуқсонлардан халос этиш ва поклашга ўргатади.

Шунингдек, ҳар қандай ҳолатда ҳам кишининг қалбига Аллоҳни эслашни ва доимо Унинг зикрида бўлишни ҳамда шу тарзда ҳаёт кечиришни ўргатади.

Мутаассиблик, таркидунёчилик, узлат – одамлардан четда бўлиш, оила курмаслик ёки уларни

таъминоти билан шуғулланмасликни танқид остига олади.

Одатда бу қоидани қўл меҳнатда бўлиши керак, дил эса Аллоҳнинг ёди билан бўлиши керак, деб жўн тушунадиганлар ҳам йўқ эмас. Аслида мўмин бу иккисининг ўзаро алоқасини ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги керак. Яъни зикр қилаётган пайтда ҳам иш билан машғул бўлиш ва бирор иш билан банд бўлганда ҳам қалб зикрда бўлишини тушуниши лозим. Чунки Аллоҳни зикри билан бирор иш бажарилса, албатта у баракотли бўлади ва ривож топади.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига ўзини кўп зикр қилишни буюриб, бундай дейди: **«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳни кўп зикр қилингиз ва эртаю кеч унга тасбеҳ айтингиз!»** (Аҳзоб сураси, 41–42-оятлар).

Ҳар бир инсоннинг қалбида ҳар бир дақиқа Аллоҳнинг зикри бўлиши ва шу билан бирга, унинг қўли меҳнатда бўлиши катта аҳамиятга эга. Зеро, Аллоҳнинг зикрида бўлиш амалларнинг яхшисидир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Амалларнинг яхшиси – Аллоҳнинг зикридир”**, дедилар (Имом Термизий ривояти).

Аллоҳнинг зикрида бардавом бўлиш, қалбга ором бахш этади. Аллоҳ таоло бу ҳақда: **«(Улар) Иймон келтирганлар ва Аллоҳнинг зикри билан қалблари ором топган зотлардир. Аё, Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топмасми?»** деб марҳамат қилган (Раъд сураси, 28-оят). Бу қалблар Аллоҳга доимий боғлиқ эканини ҳис этади ва дунёдаги ҳамма нарса Аллоҳдан эканини яхши билади.

Қалб Аллоҳнинг зикрида бўлиши билан бирга, қўл ҳам меҳнат билан банд экани дунё ва охират саодатидир. Дунё ва охиратда яхшилик топиш ҳар бир мусулмоннинг бирламчи муддаосидир. Аллоҳ таоло бу ҳақда бундай марҳамат қилади: **«Ва улардан баъзилари: “Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшиликни, охиратда ҳам яхшиликни бергин ва бизни дўзах олови азобидан сақлагин”, дейди»** (Бақара сураси, 201-оят).

Аллоҳ таоло барчамизни ҳалол меҳнат билан зикрни кўпайтириб, дунё ва охиратда яхшиликка эга бўлишни ва дўзах азобидан халос бўлишни насиб этсин!

Руҳиддин АКБАРОВ,

Қашиқадарё вилояти вақилиги ходими

Газетхон илҳами

Кўзи ожиздан сўра

Тонгга етмади биров,
Шомни кўрмади кимдир.
Сочга қўнмасдан қиров
Умрингга мазмун индир.

Қорни тўймаган қанча
Нонга зор бандалар бор.
Нафсингга эрк бергунча,
Шукур қил, айт истиффор.

Ўйлаб дунё дардини,
Зулматда қолма, жўра.
Ёруғликнинг қадрини
Кўзи ожиздан сўра.

Бағрингга бос, эркала –
Болангни – кулиб турган.
Қанча зот тирноқталаб,
Фарзанд доғида юрган.

Оғриятими тананг,
Демак, ҳали тириксан.
Йўқотсанг, бўлма тажанг,
Бунчалар серҳадиксан.

Кундузнинг юзи ёруғ,
Туннинг кўзи тим қора.
Сен жонзотсан энг улугъ,
Дунёга кулиб қара.

Ҳар гиёҳу ҳар майса
Ўз-ўзидан битмайди.
Бу оламда ҳеч нарса
Муҳаббатга етмайди.

Бораверасан қариб,
Жон дориси ойда йўқ.
Қумсоатни тўнкариб
Қўйганингдан фойда йўқ.

Яша севиб, севилиб,
Ҳар лаҳзани қадрла.
Кетсанг паймонанг тўлиб,
Тинч ётарсан қабрда.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ,
Боёвут тумани

Бўлдилар

Дев келбатли полвонлар,
Ҳалол, ғирром ағёнлар,
Мардикорлар, ғуломлар,
Югурдилар, елдилар,
Бир кафанлик бўлдилар.

Ёғлик палов еганлар,
Ғийбат, иғво қилганлар,
Беғам юриб кулганлар,
Югурдилар, елдилар,
Бир кафанлик бўлдилар.

Хуснига бино қўйган,
Ошиқлар бағрин ўйган,
Ишқни ҳавасга ўйган
Оқбилак ойимчалар
Қуртларга ем бўлдилар.

Чориғини судраган,
Қорни тўймай мудраган,
Патир, ошни кўрмаган,
Югурдилар, елдилар,
Бир кафанлик бўлдилар.

Сен ҳам ўтарсан бир кун,
Эрта, индин ё бугун,
Қабр сабоқ биз учун,
Югурасан, еласан,
Бир кафанлик бўласан.

Ҳамидулла БОЗОРБОЙ,
Тўрақўрган тумани

Шерали ИКРОМОВ,
Бухоро вилояти

Ибратли ҳикоя

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Ерда ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидир. У Зот уларнинг турар жойларини ҳам, борар жойларини ҳам билур. Ҳамма нарса очик-равшан Китобда бордин»** (Худ сураси, 6-оят). Шунингдек, Қуръони каримнинг 90 ўрнида Аллоҳ таолонинг ризқларни белгилаб қўйгани ва Ўзи унга кафил бўлгани ҳақида ёзилган. Бир ўриндагина **«Шайтон сизларга фақирликни ваъда қилади»**, деган (Бақара сураси, 268-оят).

Ризқ Аллоҳдан эканига ҳар бир мўмин-мусулмон иймон келтиради. Бироқ шошма-шошарлик, нотўғри фикр юритиш натижасида Аллоҳ берган ризққа ношукрлик қилиш ҳолатлари кузатиб турилади. Болалигимда дадамдан

эшитган бир ҳикоя ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Бир мўсафид уйида от боқар ва уни фақат жума намозига миниб борар экан. Бир куни ўғли: “Дада, отни фақат жумага минасиз, лекин унга кунига 4 кило арпа, 4 боғ беда берамиз. Шунча харажатнинг нима кераги бор?” дебди. “Ўғлим, ҳар бир жонзотнинг ризқини Аллоҳ беради”, дебди.

Отни сотиш учун қаттиқ қиришган ўғил охири ота розилигини олибди. Ўғли отни сотиб, пулини берибди. Лекин ота пулни сўраганида беришини айтиб, ўғлига қайтарибди.

Орадан бир неча кун ўтиб, ота пулни бозорлик учун сўрабди. Бир

неча ой давомида пулни ишлатибди. Бир куни ота: “Ўғлим, отнинг пулидан олиб чиқ” деса, ўғли пул тугаганини айтибди. Шунда: “Унда арпа ва беданинг пулидан олиб чиқ”, дебди. Ўғли ҳайрон бўлиб: “Дада, қанақа арпа, қанақа беда?!” Уларнинг пули йўқ”, дебди. “Ўғлим, кўрдингми, от борида Аллоҳ бизнинг ҳам, отнинг ҳам ризқини бериб турган эди. Сен беҳудага харажат бўляпти, деб отни сотдинг. Энди хатойингни тушундингми? Аллоҳнинг берган ризқига сабр қилишни ўрган! Унутма, тирик жон борки, унинг ризқини Аллоҳ беради”.

Muassis:
O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek IMOMNAZAROV**

Шамсуддин Нури

Bosh muharrir:
Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Jaloliddin HAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OFUROV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent – 100069, Zargaynar
18-berkk'o'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
Akmalxon AHMEDOV
Musahhiha:
Nilufar ABLAYEVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
20.10.2023
Xulosa (№03-07/7869) olindi:
25.10.2023
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.650
227/19-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zargaynar
18-berkk'o'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор.
Ножиоз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and
hadiths. Please, do not put it
in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не
оставляйте в неподходящих местах!